

# **Қумқўрғон туманида сайлов бўйича ўқув-амалий машғулотлар ўтказилмоқда.**



Бугун туманимиздаги участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котиблигига номзодларнинг малакасини оширишга қаратилган ўқув-амалий машғулотлар бўлиб ўтмоқда.

Машғулотлар худудий тренерлар томонидан туман, сайлов участкалари учун мўлжалланган биноларда интерактив усулларда – маъруза, симулятсия, сайлов жараёнларини моделлаштириш, видео-дарс, видеоролик, сайловга оид саволжавоблар, тест шаклида ўтказилмоқда.

Машғулотларда аралаш сайлов тизими, сайлов комиссиялари фаолиятининг асосий жиҳатлари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш, биноларни жиҳозлаш, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, овозларни санаб чиқиш ва натижаларни белгилаш каби мавзуулар қамраб олинган.

Машғулотларда туманимиз бўйича мавжуд 70 та сайлов участкасининг жами 210 нафар сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котиблигига номзодлар ўқитилмоқда.